

3. Hennessey, S. M., Yun, D., MacDonald, R., & MacEachern, M. (2012). The effect of cultural tourism on destination branding: A case study of literary tourism in Canada. *Journal of Hospitality Marketing & Management*, 21(4), 401–421. <https://doi.org/10.1080/19368623.2011.615018>
4. Robinson, M., & Andersen, H. C. (2011). *Literary tourism: Theories, realities, and challenges*. Channel View Publications.
5. O'zbekiston Respublikasi Turizm va madaniy meros vazirligi. (2023). O'zbekistonda adabiy turizmni rivojlantirish konsepsiyasi. Toshkent: O'zbekiston Milliy Matbuot Markazi.

IV-SHOBA. BARQAROR TURIZM: EKOLOGIK YONDASHUVLAR VA YASHIL INFRATUZILMA

BARQAROR TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA EKOLOGIK YONDASHUVLAR

Астанакулов Олим Таштемирович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми” кафедраси мудири, DSc, проф.

E-mail: astanakulov@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада барқарор туризмни ривожлантиришда экологик ёндашувларнинг аҳамияти, уларни амалга ошириш механизмлари ва амалий натижалари таҳлил қилинади. Туризм соҳасида экологик тамойилларни қўллаш атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, биохилма-хилликни сақлаб қолиш ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади. Мақолада экологик туризмни қўллаб-қувватлаш, углерод изини камайтириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш, экологик инфратузилмани такомиллаштириш ва чиқиндиларни камайтириш бўйича турли мамлакатлардаги тажрибалар таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистонда барқарор туризмни ривожлантиришга қаратилган экологик ёндашувларни жорий этиш имкониятлари, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатлари ҳамда ушбу соҳадаги долзарб муаммолар ўрганилади.

Калит сўзлар: барқарор туризм, экологик ёндашув, яшил инфратузилма, қайта тикланувчи энергия, экологик стандартлар.

Кириш: Барқарор туризм жаҳон иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, у табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва экологик мувозанатни сақлаш каби тамойилларга асосланади. Туризм соҳасида экологик ёндашувлар атроф-муҳитга таъсирни камайтириш ва табиий ресурсларни узоқ муддатли сақлаш имконини беради. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, экологик туризмни ривожлантириш бўйича самарали стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш туристик йўналишларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жаҳон туризм ташкилоти (UN Tourism) барқарор туризмни ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондира оладиган, шу билан бирга табиий ва маданий меросни сақлашга хизмат қиладиган туризм тури сифатида белгилайди (Li, Liu & Solangi, 2024). Барқарор туризм иқтисодий, ижтимоий ва экологик манфаатларни уйғунлаштириш орқали туризм ресурсларининг узоқ муддатли бошқарилишини таъминлайди (Moliterni, Zulauf & Wagner, 2025).

Барқарор туризм маҳаллий иқтисодий ривожланиш, маданий меросни сақлаш ва экологик барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди. У иқтисодий ўсишни рағбатлантириб, янги иш ўринларини яратиш ва маҳаллий иқтисодиётларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтириш ҳамда экологик мувозанатни сақлашга ёрдам беради. Шунингдек, барқарор туризм маҳаллий анъаналарни асраб-авайлаш, туристик масканларнинг маданий меросини ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий

хамкорлигини мустаҳкамлаш имконини яратади (Pope et al., 2019), (Li & Cao, 2024), (Tseng et al., 2018).

Экологик ёндашувлар барқарор туризмни ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Улар экологик мувозанатни сақлаш, атроф-муҳитга масъулиятли муносабат ва узоқ муддатли барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлиб, туризмнинг табиий экотизимларга таъсирини камайтириш, чиқиндиларни қайта ишлаш, энергия тежаш ва ифлосланишни пасайтириш чораларини ўз ичига олади. Шунингдек, бу ёндашувлар туристик масканларнинг узоқ муддатли жозибадорлиги ва иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади (Ziaabadi et al., 2017), (Tseng et al., 2018), (Li & Cao, 2024).

Барқарор туризмни ривожлантириш турли муаммолар билан боғлиқ бўлиб, улар орасида самарали сиёсат олиб бориш, маҳаллий жамоалар билан ҳамкорлик қилиш ва туризм соҳаси ходимларини етарлича ўқитиш муҳим аҳамиятга эга (d'Angella, Maccioni & De Carlo, 2025). Барқарор туризм ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга иқтисодий ўсиш, ижтимоий масъулият ва экологик мувозанатни таъминлашга хизмат қилади. Ушбу ёндашувлар орқали туризм соҳаси узоқ муддатли ривожланиши ва маҳаллий ҳамжамиятлар фаровонлигига ҳисса қўшиши мумкин.

Асосий қисм: Барқарор туризм – бу сайёҳлик фаолиятини экологик, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мувозанатланган ҳолда ривожлантиришга қаратилган ёндашувдир. Унинг моҳияти турли жиҳатлардан баҳоланиши мумкин. Баъзи тадқиқотчилар барқарор туризмни туризмнинг табиий ва маданий меросга таъсирини минималлаштиришга қаратилган модель сифатида қарасалар (Ristić, Vukojić & Milinčić, 2019), бошқалар эса уни маҳаллий ҳамжамиятларнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш воситаси деб ҳисоблайдилар (Vázquez-Rodríguez et al., 2024). Шу боис, барқарор туризмнинг долзарблиги ва самарадорлиги борасида турлича нуқтаи назарлар мавжуд.

Барқарор туризм анъанавий туризмдан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилади. Қуйидаги жадвалда уларнинг асосий фарқлари келтирилган.

Анъанавий ва барқарор туризмнинг солиштирма таҳлили

№	Мезон	Анъанавий туризм	Барқарор туризм
1	Экологик таъсир	Табиатга юқори даражада зарар етказиш, катта ресурс сарфи	Чиқиндиларни камайтириш, қайта тикланувчи ресурслардан фойдаланиш
2	Маҳаллий аҳолига таъсир	Фақат чекланган даромад манбаи, маҳаллий аҳолини туризмдан четлаштириш мумкин	Маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, маданий меросни асраш
3	Иқтисодий барқарорлик	Қисқа муддатли фойда, мавсумийликка қарамлик	Узоқ муддатли инвестициялар, маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш
4	Ижтимоий жавобгарлик	Туристларнинг қулайлигини биринчи ўринга қўяди	Туристлар ва маҳаллий жамоа манфаатлари ўртасидаги мувозанат

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, анъанавий туризм иқтисодий фойда келтириши мумкин, аммо узоқ муддатли экологик ва ижтимоий муаммоларни келтириб чиқаради. Барқарор туризм эса табиатни муҳофаза қилиш, маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган. Шу боис, сайёҳлик индустриясида барқарор ёндашувларни кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Барқарор туризм қуйидаги тамойилларга асосланади:

– **Сифат:** Меҳмонларга юқори сифатли тажриба тақдим этиш ва маҳаллий аҳоли

турмуш сифатини яхшилаш (Ristić, Vukojić & Milinčić, 2019).

– **Давомийлик:** Табиий ресурсларнинг доимийлигини таъминлаш (Ristić, Vukojić & Milinčić, 2019).

– **Мувозанат:** Меҳмонлар, маҳаллий аҳоли ва атроф-муҳит эҳтиёжларини уйғунлаштириш (Ristić, Vukojić & Milinčić, 2019).

– **Triple-Bottom-Line модели:** Экологик, иқтисодий ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда узоқ муддатли барқарорликни таъминлаш (Vázquez-Rodríguez et al., 2024).

– **Ҳолистик режалаштириш:** Экологик жараёнларни сақлаш, инсоний меросни ва биохилма-хилликни ҳимоя қилиш, ҳамда барқарор ўсишни таъминлаш (Krishna Kumar, 2021).

Бу тамойиллар амалда қандай қўлланилиши борасида ҳам турли қарашлар мавжуд. Айрим экспертлар барқарор туризмни ривожлантириш учун қатъий экологик стандартлар ва давлат томонидан назорат механизмларини кучайтириш зарур деб ҳисоблашади (Nicholas, Thapa & Ko, 2009). Бошқа тадқиқотчилар эса, аксинча, бу жараёнда бозор механизмларини, хусусан, яшил инновациялар ва экотуризм ташаббусларини илгари суришни афзал кўрадилар (Cottrell, Vaske & Roemer, 2013). Демак, барқарор туризмни ривожлантириш бўйича ёндашувларнинг ҳар хил бўлиши ушбу соҳадаги илмий мунозараларни янада кенгайтиришга асос бўлади.

Сўнгги ўн йилликда глобал экотуризм бозори сезиларли ўсишга эришди. 2019-йилда унинг қиймати 141,3 миллиард фунт стерлингни ташкил этган бўлса, 2027-йилга келиб 260,4 миллиард фунт стерлингга етиши прогноз қилинган. Бу эса 2020-2027-йиллар давомида 14,3% йиллик ўсиш суръатини англатади (Allied Market Reseach). Бундан ташқари, барқарор саёҳат 2016-2020-йиллар оралиғида йиллик 15% ўсиш суръатини қайд этди (UN Tourism), бу эса атроф-муҳитга дўстона саёҳатга бўлган талабнинг ортаётганини кўрсатади.

Барқарор саёҳатга нисбатан истеъмолчилар қарашлари сезиларли даражада ўзгариб бормоқда. 2021-йилги Booking.com ҳисоботида кўра, глобал саёҳатчиларнинг 72% саёҳат танловларида барқарорликни инобатга олиш сайёрани асраш учун муҳим деб ҳисоблайди. Аммо, ният ва реал ҳаракат ўртасида фарқ мавжуд: 87% саёҳатчилар барқарор саёҳат қилишни хоҳласа-да, атиги 39% экологик жиҳатдан қулай вариантларни танлайди (Booking.com). Айниқса, миллениал авлод вакиллари бу борада етакчи бўлиб, 73% экотуризм учун кўпроқ пул тўлашга тайёрлигини билдирган (Nielsen). Пандемиядан кейинги даврда эса 64% истеъмолчилар барқарор туризм вариантларига маблағ сарфлашга тайёр эканликларини таъкидлашган (McKinsey & Company). 2022-йилда эса саёҳатчиларнинг 55% экотуризм масканларини афзал кўрган (WTTC).

Экологик ёндашувлар туризм соҳасида барқарор ривожланиш тамойилларини амалга оширишда муҳим ўрин тутати. Улар туризмнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳаллий жамоаларнинг иқтисодий фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Экологик ёндашувларнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг самарадорлиги кўплаб омилларга боғлиқ. Қуйидаги жадвалда экологик ёндашувлар ва уларнинг барқарор туризмга таъсири келтирилган.

Экологик ёндашувлар ва уларнинг барқарор туризмга таъсири

№	Экологик ёндашувлар	Афзалликлари	Камчиликлари
1	Қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш	Карбонат ангидрид чиқиндиларини камайтиради, табиий ресурсларни тежайди	Юқори бошланғич харажатлар
2	Сувни тежаш технологиялари	Сув ресурсларини самарали бошқаради	Технологияни жорий этиш учун инвестиция

			талаб қилади
3	Чиқиндиларни қайта ишлаш	Экологик тозалликни таъминлайди	Логистика ва инфратузилма талаб этади
4	Маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш	Маҳаллий иқтисодий қўллаб-қувватлайди	Баъзи маҳсулотлар мавсумий чекловларга дуч келади

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, экологик ёндашувларни жорий этиш туризм соҳасида ижобий ўзгаришларни амалга ошириш учун катта имкониятлар яратади. Бироқ, бу ёндашувларнинг амалда татбиқ этилиши кўплаб муаммоларга дуч келиши мумкин. Шу сабабли, экологик ёндашувларнинг самарадорлигини таъминлаш учун уларни илмий асосда ва ҳар бир ҳудуднинг хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш муҳимдир.

Сув – энергия – озиқ-овқат боғлиқлигини оптималлаштириш, қайта тикланувчи энергиядан кенг фойдаланиш ва сув сарфини камайтириш орқали табиий ресурслардан самарали фойдаланиш имконини беради (Pan et al., 2018). Циркуляр иқтисодий эса чиқиндиларни минималлаштириш ва уларни фойдали маҳсулотларга айлантириш орқали экологик изни камайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, биологик хилма-хилликни сақлаш, биологик парчаланадиган маҳсулотлардан фойдаланиш ва маданий меросни асраб-авайлаш каби чора-тадбирлар табиат ва жамият ўртасидаги барқарор мувозанатни таъминлашга қаратилган (Pan et al., 2018).

Бироқ, бу ёндашувларнинг самарадорлиги турли омилларга боғлиқ. Масалан, «яшил» туризм бизнесини шакллантиришда маҳаллий жамоаларнинг фаоллиги ва экологик онг даражаси катта аҳамиятга эга. Маҳаллий даромад олиш имкониятларини яратиш ва узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш орқали туризм соҳаси ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳам барқарор бўлиши мумкин (Pan et al., 2018). Шу билан бирга, экологик ёндашувларнинг татбиқи баъзан иқтисодий манфаатлар билан зиддиятга тушиши мумкин, бу эса турли манфаатдор томонлар ўртасида келишув механизмларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шу сабабли, экологик ёндашувларнинг ҳақиқий самарадорлигини таъминлаш учун уларни илмий асосда, ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш лозим.

Туризм секторида экологик инновацияларни жорий этиш табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва атроф-муҳитга таъсирни минималлаштиришга хизмат қилади. Хусусан, туризм корхоналари томонидан озиқ-овқат, энергия ва сув сарфини камайтириш бўйича илғор технологияларни қўллаш экологик барқарорликни ошириш билан бирга, операцион харажатларни ҳам қисқартириши мумкин (Bugdol, Szromek & Puciato, 2023). Шу билан бирга, экологик истеъмол одатларини шакллантириш ва экологик меъёрларни жорий этиш туризм саноати иштирокчиларининг масъулиятини оширишга ёрдам беради. Бироқ, бу ёндашувларнинг жорий қилиниши қиммат ва узоқ муддатли жараён бўлиши мумкин, шунингдек, туристик объект эгалари ва тадбиркорлар учун қисқа муддатли иқтисодий манфаатлар билан мос келмаслиги эҳтимоли мавжуд.

Шу нуқтайи назардан, барқарор туризм модели иқтисодий самарадорлик, экологик муҳофаза ва ижтимоий тенгликни бирлаштирган ҳолда, маҳаллий жамоалар учун ҳам фойда келтириши лозим (Cottrell, Vaske & Roemer, 2013). Бу ёндашувнинг муваффақияти эса ҳукумат томонидан бериладиган рағбатлар, сайёҳларнинг экологик онг даражаси ва бизнес манфаатдор томонларининг тайёрлигига боғлиқ. Туризм соҳаси инвестиция киритиш учун жозибадор бўлса-да, экологик инновацияларни жорий этиш бўйича глобал ёндашувлар ҳали ҳам баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Масалан, баъзи экспертлар экологик талабларнинг ортиши кичик ва ўрта бизнеслар учун молиявий юкни ошириши мумкинлигини таъкидласалар, бошқалари эса барқарор ривожланиш йўлида бу муқаррар эканлигини илгари суришмоқда. Демак, экологик инновацияларни кенг жорий этиш учун

мувозанатли стратегия ва туризм индустрияси манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқ механизмлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Барқарор туризмни ривожлантириш жараёни муайян экологик муаммолар ва институционал тўсиқлар билан боғлиқ бўлиб, бу соҳага комплекс ёндашувни талаб этади. Туризм табиий ресурслардан фойдаланиш даражасини ошириши сабабли сув танқислиги, чиқиндилар ҳажмининг ортиши ва экологик муҳитга таъсир каби муаммолар юзага келмоқда (Żemla-Siesicka, 2023). Айниқса, назоратсиз инфратузилма кенгайиши натижасида табиатнинг бузилиши ва биологик хилма-хилликнинг йўқолиши экологик барқарорлик учун жиддий таҳдид ҳисобланади (Wang et al., 2020). Шу боис, туризм соҳаси ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиий муҳитни муҳофаза қилиш стратегияларига таяниши лозим.

Шу билан бирга, экологик туризм ривожланишига тўсқинлик қилувчи асосий муаммолар мавжуд бўлиб, уларни самарали бошқариш тизими орқали бартараф этиш талаб этилади. Масалан, экологик бошқарув тизимининг етарлича ривожланмагани ва ҳудудий ресурслардан фойдаланишдаги чекловлар туристик ҳудудларнинг экологик барқарорлигини таъминлашда қийинчиликлар туғдиради (Trave et al., 2017; Saviolidis et al., 2021). Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг манфаатлари етарлича эътиборга олинмагани сабабли экологик ташаббусларга қўшилиш даражаси пастлигича қолмоқда (Guncse, 2003). Ушбу муаммоларни ҳал қилиш учун давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда экологик сиёсатни қатъийлаштириш зарур.

Инновацион ва технологик ечимлар барқарор туризмни ривожлантиришнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Масалан, сунъий интеллект ва IoT технологияларидан фойдаланиш орқали экологик мониторинг тизимларини жорий этиш табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириши мумкин (Żemla-Siesicka, 2023). Шунингдек, энергияни тежовчи технологиялар ва экологик қурилиш материалларидан фойдаланиш туризмнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтиришда муҳим рол ўйнайди (Elgin & Elveren, 2024). Рақамли экотизим – электрон чипталар, ақлли навигация тизимлари ва маълумот платформалари орқали туризм объектларининг экологик юкламасини камайтиришга хизмат қилади (Trave et al., 2017).

Демак, барқарор туризмга эришиш нафақат экологик технологияларни жорий этиш, балки самарали бошқарув тизимларини шакллантириш ва маҳаллий ҳамжамиятларни жалб этиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу борадаги ёндашувлар туризмнинг иқтисодий, экологик ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтайи назардан, илмий муҳокамалар барқарор туризм концепциясининг янада такомиллаштирилиши ва унинг глобал миқёсда қўлланилиш имкониятларини чуқур ўрганишни талаб этади.

Хулоса: Хулоса қилиб айтганда, барқарор туризмни ривожлантиришда экологик ёндашувлар глобал миқёсда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги кунда кўплаб давлатлар туризм секторида экологик стандартлар ва принципларни жорий этиш орқали табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ҳамда туристик фаолиятнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Скандинавия мамлакатлари, Германия, Япония ва Сингапур каби давлатларда туризм соҳасида “яшил” инфратузилма, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ва экологик сертификатлаш тизими кенг татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон учун экологик ёндашувлар асосида барқарор туризмни ривожлантириш катта истиқболларга эга. Мамлакатда бой табиий ва маданий мерос объектлари мавжуд бўлиб, уларни муҳофаза қилиш ва экологик туризмни ривожлантириш орқали туристик салоҳиятни янада ошириш мумкин. Бунинг учун халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда бир қатор устувор йўналишларни амалга ошириш зарур. Биринчидан, эко-туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўриқхоналар ва миллий боғларда экологик стандартларга асосланган инфратузилмани ривожлантириш зарур. Иккинчидан, ҳудудий туризм

стратегияларини ишлаб чиқишда экологик талаблар инобатга олиниши лозим. Учинчидан, маҳаллий аҳоли ва тадбиркорларни барқарор туризм тамойилларига жалб этиш ҳамда уларнинг билим ва кўникмаларини ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда барқарор туризмни ривожлантиришда экологик ёндашувларни кенг қўллаш табиатни муҳофаза қилиш, иқтисодий самарадорликни ошириш ва жаҳон бозорида рақобатбардош туристик маҳсулотлар яратиш имконини беради. Бу борада давлат сиёсати, хусусий сектор ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Moliterni, S., Zulauf, K., & Wagner, R. (2025). A taste of rural: Exploring the uncaptured value of tourism in Basilicata. *Tourism Management*, 107(10506), 9.
2. Li, Y., Liu, Y., & Solangi, Y. A. (2024). Analysis of factors and strategies for the implementation of sustainable tourism in a green economic structure in China. *Journal of Cleaner Production*, 434, 140011.
3. Pope, J., Wessels, J. A., Douglas, A., Hughes, M., & Morrison-Saunders, A. (2019). The potential contribution of environmental impact assessment (EIA) to responsible tourism: The case of the Kruger National Park. *Tourism Management Perspectives*, 32, 100557.
4. Li, J., & Cao, B. (2024). Resources policies for solar development and eco-tourism expansion in emerging economies. *Resources Policy*, 88, 104460.
5. Tseng, M. L., Wu, K. J., Lee, C. H., Lim, M. K., Bui, T. D., & Chen, C. C. (2018). Assessing sustainable tourism in Vietnam: A hierarchical structure approach. *Journal of cleaner production*, 195, 406-417.
6. Ziaabadi, M., Malakootian, M., Zare Mehrjerdi, M. R., Jalaee, S. A., & Mehrabi Boshrahadi, H. (2017). How to use composite indicator and linear programming model for determine sustainable tourism. *Journal of Environmental Health Science and Engineering*, 15, 1-11.
7. d'Angella, F., Maccioni, S., & De Carlo, M. (2025). Exploring Destination Sustainable Development Strategies: Triggers and Levels of Maturity. *Sustainable Futures*, 100515.
8. Ristić, D., Vukoičić, D., & Milinčić, M. (2019). Tourism and sustainable development of rural settlements in protected areas-Example NP Kopaonik (Serbia). *Land use policy*, 89, 104231.
9. Vázquez-Rodríguez, P., Romero-Castro, N., Šević, A., & Quiñoa-Piñeiro, L. (2024). (Un)willingness to pay to visit a national park from a sustainable entrepreneurial tourism perspective. *Journal of Destination Marketing & Management*, 34, 100933.
10. Kumar, G. M. K. (2021). Holistic cuisine and gastronomic tourism. In *Gastronomy and Food Science* (pp. 205-225). Academic Press.
11. Nicholas, L. N., Thapa, B., & Ko, Y. J. (2009). Residents' perspectives of a world heritage site: The pitons management area, st. Lucia. *Annals of tourism research*, 36(3), 390-412.
12. Cottrell, S. P., Vaske, J. J., & Roemer, J. M. (2013). Resident satisfaction with sustainable tourism: The case of Frankenwald Nature Park, Germany. *Tourism Management Perspectives*, 8, 42-48.
13. Pan, S. Y., Gao, M., Kim, H., Shah, K. J., Pei, S. L., & Chiang, P. C. (2018). Advances and challenges in sustainable tourism toward a green economy. *Science of the total environment*, 635, 452-469.
14. Bugdol, M., Szromek, A. R., & Puciato, D. (2023). Proposal for the implementation of pro-environmental behaviours in the form of open eco-innovations-A perspective of consumers of hotel services. *Journal of Open Innovation: Technology, Market, and Complexity*, 9(2), 100059.
15. Żemła-Siesicka, A. (2023). Tourism landscape footprint in the archaeological landscape. *Environmental Impact Assessment Review*, 103, 107255.
16. Wang, F., Peng, X., Qin, Y., & Wang, C. (2020). What can the news tell us about the environmental performance of tourist areas? A text mining approach to China's National 5A Tourist Areas. *Sustainable Cities and Society*, 52, 101818.

17. Trave, C., Brunnschweiler, J., Sheaves, M., Diedrich, A., & Barnett, A. (2017). Are we killing them with kindness? Evaluation of sustainable marine wildlife tourism. *Biological conservation*, 209, 211-222.
18. Saviolidis, N. M., Cook, D., Davíðsdóttir, B., Jóhannsdóttir, L., & Ólafsson, S. (2021). Challenges of national measurement of environmental sustainability in tourism. *Current Research in Environmental Sustainability*, 3, 100079.
19. Gunce, E. (2003). Tourism and local attitudes in Girne, Northern Cyprus. *Cities*, 20(3), 181-195.
20. Elgin, C., & Elveren, A. Y. (2024). Unpacking the economic impact of tourism: A multidimensional approach to sustainable development. *Journal of Cleaner Production*, 478, 143947.

THE POWER OF PARTNERSHIP: ACHIEVING THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT GOALS

Freshta qauomy

PhD., TSUE "teacher of the tourism department", Tashkent State University of Economics, Tashkent city, I.Karimov Street 49, 100003 Tashkent, Republic of Uzbekistan

Gmail: freshta.qayoumi@gmail.com

Abstract The United Nations adopted the Sustainable Development Goals (SDGs) in 2015 as a comprehensive framework for tackling global issues like poverty, inequality, and climate change. Strong collaborations between corporations, governments, non-governmental organizations (NGOs), and civil society are necessary to achieve these objectives.

The Economical Improvement Objectives (SDGs) of the Joined together Countries speak to a significant around the world activity pointed at progressing advancement and cultivating a more favorable future. In any case, the progression made towards accomplishing these goals has been inadequately, and the assignment of inquire about endeavors has been uneven. As a way to address this concern, the display ponder pointed to conduct an assessment of the SDGs through looking at their research-friendly characteristics. By conducting a precise survey of academic works and utilizing different assessment criteria, the inquire about utilized a multi-criteria decision-making approach to rank the SDGs. The comes about of the ponder show that SDG3, which relates to wellbeing and well-being, was appraised the foremost research-friendly, while SDG4, which emphasizes quality instruction, and SDG 16, which concerns peace, equity, and solid teach, gotten the least appraisals. Other than, a few of the investigate impediments connected with each SDG have been laid out by this paper. The display examination underscores the research-oriented character of the SDGs and emphasizes the centrality of comprehending investigate plans to define useful and economical resolutions to around the world binds. The results of this think about offer a critical resource for people mindful for making choices, the scholastic community, and other interested parties who are included within the allotment of assets towards the SDGs. The current examination gives an critical commitment to the insightful discourse by making a system that can coordinate anticipated investigate endeavors and help policymakers in altering existing or making unused objectives that are more favorable to inquire about and improvement.¹⁹¹

Keywords: Sustainable Development Goals, partnerships, collaboration, resource mobilization, accountability

Introduction: "Reaching these lofty goals will need unprecedented cross-sector and cross-region cooperation. The importance of partnerships in accomplishing the SDGs is examined in this essay, which also discusses frequent obstacles and methods to improve partnership effectiveness. It offers insights into effective collaboration models" ¹⁹².

¹⁹¹ <https://cleancooking.org/>. 2021

¹⁹² <https://cleancooking.org/>. 2021.